Ёшликнинг ўзига яраша шашти, кек-саликнинг ўзига яраша гашти бор.

\*\*\*

Хизматни холис қилган одам олис кетади.

\*\*\*

Рахмдиллик адатдан ҳам устун-роқдир.

\*\*\*

Беминнат бўлса иши, олий фазилатлидур ўшал киши.

\*\*\*

Ҳар ишда яхшидир юмшок сўзласасиңг, яхшимас бошидан жанжал кўзласанг.

\*\*\*

Табиат мусаффо бўлса, дори ҳам даркор эмас, инсон меҳрли бўлмаса, убор эмас.

\*\*\*

Кимки, заҳмат чекмади, роҳатга ҳам етмади.

\*\*\*

Ғазаб оловини фақат иродада даф эта олади.

\*\*\*

Асал ва дўстнинг эскиси яхши.

Кийиқча билан сийланган бола қўйни етаклаб кириб, қозиқча боғлаш ўрнига негадир бօғ эшикдан ташқарига олиб чиқди. Бу ерда уни... яна юрни машинаси кутиб турарди. Орадан саноқли дақиқалар ўтиб, хонадонга Зуҳра учун тўй келди. Машинадан юклар билан туширилган қора қўчкор бу гал остононадан шахдам юриб ўтиб, ичкарига интилди...

## Mushtariy mulohazasi

# O'QIMISHLI BO'LIB BORMOQDA

Ассалому алайкум, мұхтарам таҳририят!

Камина ҳам оддий бир муҳлис сифатида бир неча йиллардан буен «Постда» газетасини ўқиб, кузатиб бораман. Сиз, азизларнинг саъй-харакатларнинг билан республика-миздаги энг үкимли нашрлардан бирига айланб боромқада. Бугунги кунда «Постда» нáфакат осойиштагимиз посбонлари, ҳуқуқи муҳофазаси қилиш идоралари вакилларнинг газетаси, балки кенг омманинг ҳам севимили нашрларидан биридан. У газетхонлар уртасида кўлма-кўл бўлиб, тобора тиражи ошиб бораётгани ҳам шундан далолат беради.

Газета саҳифаларида ички ишлар ходимларининг қонунчиликни мустақамлаш, жиноятиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш сингари кенг кўлами ва қамрови, ибратли фаoliyatlari ҳакида хикоянинг анча олдини олади. Шу маънода

хукук, тарбия ва ахлоқ-одоб мавзула-ридаги чиқишилар кўпчилик қатори менда ҳам катта таассурот қолдирмоқда. Айниқса, «Бош муҳаррир мин-бари» руҳни остида кундаклик ҳаётимиздаги долзарб мавзулар кўтарилимоқда.

«Muqaddas dargoh» туркумидаги саҳифалар ҳам иходий жамоанинг Оила йили муносабати билан мушта-рийларга мунособ туҳфаси бўлди.

Дарҳақиқат, оила жамиятнинг бошлангич бўгини, муқаддас даргоҳdir. Бу дардоҳда тўғри парваршланган ниҳоллар албатта эртага ўзининг серхоси меваларини беради. Яхши оила-да яхши тарбия топган фарзанд жамиятимизнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан мунособи кишиси бўлиб етишади.

Бу жамиятда конунлар устуворлигига янада эришилиши, баззи ортиқча кўнглисизлар, тартиббузарлик ва ху-кукбузарлик ҳоллари содир этилиши. Килимдик мақолаларни ўзига ишларидан бўйиб боради.

Газета саҳифаларида ички ишлар ходимларининг қонунчиликни мустақамлаш, жиноятиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш сингари кенг кўлами ва қамрови, ибратли фаoliyatlari ҳакида хикоянинг анча олдини олади. Шу маънода

«Хурматли «ПОСТДА» таҳририят!» Мен анчадан бери ҳафтноман гизнинг «ашаддий» муҳлисига айланганман. Сабаби, мен ёшлигимдан детектив руҳда ёзилган асарларни кўраман.

«Постда»да эса ҳар хил жи-

ноятлар тағсилоти ихчам ҳамда тушунарли қилиб берилаётгани мени ўзига мафтуҳ этган.

Бундан ташқари «Mu-

qaddas dargoh» саҳифалари

иҳодкорлари ҳам тинимиз

излангаётгани унда бери-

лаётган материаллар руҳи-

дан ҳам билиниб туради.

Тўғрисини айтсан, баъзан

қизиқарли мақолаларни ўқи-

ганимдан кейин бирданiga

журналист бўлсаммикан де-

ган фикр ҳаёлимдан кечади.

Лекин, мен барибир учувчи бўламан.

Чунки, булалигимдан шуни орзу қи-

ламан. Учувчи бўлиб етиш-

сан ҳам энди «Постда»дан

айри туша олмасам керак.

Сабаби, у менинг қалбим-

дан жой олиб бўлган.

Сизларга айтмоқчи бўл-

ганим эса газетада яна бир

янги саҳифа — «Bizning

askarlar»нинг ташкил қилин-

гани айни мудда бўлиби.

Боиси, мен қатори ёшларни

ватанпаварларни руҳида тар-

биялашда унинг аҳамияти

катта деб ўйлайман.

Шу пайтгача ҳарбийлар ҳаёти

ҳақида умуман тасаввурга

эга эмасдим.

«Bizning askarlar» эса менинг бу борадаги

якин дўстимга айланниб бор-

моқда. Аввало, саҳифанинг

ҳарбий қасамёд, соҳибқрон

ўғитлари билан бошланиши

кишига қандайдир магрур-

лик баҳш этади.

Иккинчидан,

шу пайтгача ҳарбий мавзу-

даги шеърлардан хабарим

йўқ эди.

Саҳифада эса улар

узлуксиз бериб борилмоқ-

да. Айниқса, Анвар Обид-

жоннинг ҳазилларини ми-

риқиб ўқидим.

Ҳақиқат Одилованинг

«Er yigit bo'lomading-ku,

bolam», Адолат исмли қиз-

нинг «Sevaman, lekin kechira

olmayarman» мақолалари

и ўқиганимда этим уви-

шиб кетди десам, балки

ишонмассиз. Қиши қалби-

га бевосита кириб борувчи

бундай мақолалар бундан

кейин ҳам бериб борили-

шига ишонаман. Саҳифа

иҳодкорлари эса эзгу иш-

ларидан, теша тегмаган ин-

шолар битишларидан омад

еър бўлсин дейман.

Баҳодир

ЖУМАНИЁЗОВ,

11-синф ўкувчisi

Sandiq

## KROSSVORD

**Диагонал бўйича:** 1. Пойтахтимиздаги туманлардан бири. 2. Фильм намойиш этиладиган саҳна қисми. 3. Мусиқа асбобини чалиш мосламаси. 4. Андикон вилоятидаги дарё. 5. Антарктида ҳудудининг рамзи бўлган жонивор. 6. Сувгули. 7. Кўршапалак тури. 8. Оврўпача рақс тури. 9. Ўрта аср туркий ҳалқларидаги давлат ҳукмдори унвони. 10. Ўтиб бўлмас чангальзор ҳосил қилувчи сершоҳ бута. 11. Сайроқи қуш. 12. Газлама тури. 13. Ўзбекистон жанубидаги туман. 14. Ўрта аср Эрон қомусий олими, табиб ва файласуф. 15. Дарёнинг фақат сув кўп пайтда тошадиган қисми. 16. Қарчигайсимонлар оиласига мансуб камёб йиртқич парранда. 17. XIV аср форс мумтоз газалнавис шоири. 18. Қадимий давлат отлиқ ёки пиёда аскари. 19. Ер юзида энг улкан ва баланд тоглик. 20. Сув иншооти. 21. Дунё томони. 22. Тогли Бадаҳшон ҳудудидаги шаҳар. 23. Кимёвий модда, техникада кенг ишлатиладиган металл. 24. «Фирдавс ул-иқбол» («Иқбол боғи») асари муаллифи, ўзбек мумтоз шоири. 25. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони қаҳрамони. 26. Шарқ ҳалқлари йил ҳисоби. 27. Тошкент вилоятидаги шаҳар. 28. Оврўпадаги таникли футбол жамоаси. 29. Жанубий Сурхон сув омбори бўйидаги шаҳар. 30. Бирор соҳада аҳиллик билан иш олиб бориш. 31. Механик энергияни электр энергияга айлантирадиган қурилма. 32. Қамишзорда яшовчи, уяси осма шар шаклида бўладиган ўтрок парранда. 33. Маълум бир ҳудуднинг ўзига хос об-ҳаво шароити. 34. Ҳамдўстлик давлатлари таркибида мамлакат. 35. Учбурчакнинг бирор бурчагидан туширилган тўғри чизиқ. 36. Ҳазинликни ифодаловчи мусиқа овози. 37. Буюм ёки нарсанинг ҳажми. 38. Тўшама, рўзгор буюми. 39. Тригонометрик функция. 40. Ёзув ашёси.

### криптограмма

Очқич сўзлар:

1. Томонлари тенг бўлган олти ёқпик геометрик шакл — 7, 15, 13.

2. Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг ҳафтаномаси — 5, 2, 3, 9.

3. Мусулмончилик Фарзларидан бири — 1, 14, 16, 2.

4. Шоҳмот ўйини донаси — 10, 4, 11.


5. Осиё шимолидаги баъзи ҳалқларда табиб сеҳрар — 12, 9, 8, 9, 6.

6. Бирор йип ҳисоби бошланган пайт — 17, 1.

2.

Очқич жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларни ҳарфлар билан аммаштириб, криптограммани ечинг. Бунда ибратли ҳикматлардан бирини соат мили йўнапишида ўқиши билан билиб опасиз.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.



## HAR KIMNING TASHVISHI O'ZI BILAN...



— Ишонинг, биз албатта баҳтили бўламиз!

— Адаси қаҷон келаркинлар-а?

— Уларнинг ташвиши менга бегона...

Т. КАРИМОВ сурат-лавҳаси.

## OMADINGIZNI BERSIN

дан жой олиб бўлган.

Сизларга айтмоқчи бўл-

ганим эса газетада яна бир

янги саҳифа — «Bizning

askarlar»нинг ташкил қилин-

гани айни мудда бўлиби.

Боиси, мен қатори ёшларни

ватанпаварларни руҳида тар-

биялашда унинг аҳамияти

катта деб ўйлайман.

Шу пайтгача ҳарбийлар ҳаёти

ҳақида умуман тасаввурга

эга эмасдим.

«Bizning askarlar» эса менинг бу борадаги

якин дўстимга айланниб бор-

моқда. Аввало, саҳифанинг

ҳарбий қасамёд, соҳибқрон

ўғитлари билан бошланиши



# BIZNING ASKARLAR



Vatan bayrog'ini o'rgan yigitlar

...Сўнгги нафасум қолгун-  
ча Она - Ватанининг  
садоқатли фарзанди бўлиб  
қолишга, ҳарбий хизматининг  
бутун мешақат ва қийин-  
чиликларини сабот билан ен-  
гизга, давлат ва ҳарбий сир-  
ларни мустаҳкам сақлашга  
ажоддодларим руҳи олдида  
қасамёд қиласман...

(Ҳарбий қасамёддан).



## QISQA SATRLARDA

Хозирги ёш авлод онг-шуурида ватанпарварлик түйгуларини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг катта аҳамиятiga эга эканлиги ҳаммамизга яхши маълум. Шунинг учун ҳам Ички қўшинлар бошқармаси матбуот хизмати ходимлари даврий нашрлар ва телерадиокомпания таҳриялари билан ҳамкорликда аскарларнинг жанговар хизмати ва ҳаётини янада кенгроқ ёритишга ҳаракат қилишмоқда. Сўзимизнинг исботи учун яқинда «Ёшлар телеканали» ижодкорлари билан ҳамкорликда ташкил қилинган «Марду майдон» ҳарбий төлеүйинини кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Ушбу телемусобақанинг биринчи сони эфирга узатилгач, аскар ва зобитларда илик таассурот ўйготиб, ҳозирда мазкур телемусобақада қатнашиш учун Ички қўшинларга тегишли барча ҳарбий бўлинмалардан таклифлар тушмоқда. Бундан руҳланган — кўрсатув муаллифлари Б. Йўлдошев, Х. Оллоназаров ҳамда режиссёр Ш. Мирпӯлатовлар эндилиқда униянада қизиқарли, такомиллашган ҳолда тайёрлашга астойдил киришишган. Бир сўз билан айтганда УзТВда ватанпарварлик түйгуларини тарғиб қилувчи, погон таққанлар ҳаётини ёритувчи яна бир кўнгилочар кўрсатув дунё юзини курди. «Марду майдон» чинакам мардлар беллашадиган майдонга айланшига шубҳамиз йўк.

Амирларим ва сипоҳларимни марта, унвонлар билан хушнуд этдим. Базмларда уларга ўз ёнимдан ўрин бердим, шунинг учун жангларда жонларини фидо қилдилар. Дирҳам ва динорларни улардан дариг тутмадим. Уларнинг юмушларини енгиллаштириш учун меҳнату мешақатларини ўзимга олдим ва уларни тарбият қилдим.

Амр этдимки, раиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбагаллашишига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса, сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоғлиги, ўз навбатида салтанатнинг кучизланишига олиб боради.

«ТЕМУР» ТУЗУКЛАРИДАН.

## QAYSARLIK QONIDA BOR

Барча замонларда ҳам Ватан ҳимояси ва равнаки йўлида ёниб яшайдиган кишиларга юксак ҳурмат кўрсатиб келинган. Бир сўзи, рост гапдан, ҳақиқатдан тонмайдиган инсонларнинг қадри эса ундан-да баланд бўлган.

Бўлинма сардори, капитан Абдулла Рахабов ҳам ўз сўзига, қатъий фикрига эга бўлган, энг муҳими, уша фикрини бошқаларга сингидира оладиган ижобий маънодаги «қайсар»лар сирасига киради. У асли Бухорининг Олотидан. 1981 йили тумандаги З-урта мактабни тутагтиб, Тошкент алоқа техникимуда таълим олди. Ҳарбий хизматни Украина-нинг Херсон вилоятида ўтаб кайтиди.

Ўзидағи ҳарбийликка бўлган мойилликни айнан мана шу аскарлик даврида илк бор ҳис этди. Шу боис, хизматдан кейин оиласидаги қарама-қаршиликларга қар-

май Бухоро давлат педагогика институтининг бошлангич ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия факультетига ўқишига кирди. У талабалик даврида ёқ «қайсар»лиги, ҳарбийларга хос қатъий фикри билан курсдошларидан ажralиб турарди. Ҳаётда танлаган шиори: «Арслон изидан қайтмас, ўигит сўзидан».

1990 йили институтни мувоффакиятли тутагтадан сўнг бир мунча вақт Навоий шаҳридаги мактаблардан бирда ёшларга бошлангич ҳарбий таълимдан сабок берди. Лекин бу жараёнлар унинг эҳтиёжларини қондирмас, чинакам ҳарбийликка бўлган интилишлари кун сайин кучаярди. Шу сабабми, 1992 йилдан бошлаб ўз фоалиятини ҳарбий бўлинмада сардор ўринбосарлари вазифасида давом эттира бошлади.

— Ҳарбий хизматдаги қийинчиликлар, — дейди ка-

питан А. Ражабов, — Асосан шароитга боғлиқ. Биз юқори идоралар яратадиган қуайликлар билан қониқмасдан, ўз-ўзимизга ҳам шароит яратишга ҳаракат қилмогимиз лозим. Ахир дониш халқимизнинг «Олма пиш, оғзимга туш» каби ҳикматлари бежиз айтилмаган. Қасамёд қилғанлигимиз, бошка соҳа хизматчиликларига нисбатан бир қадар имтиёзларга эга бўлганимиздан кейин қандай шароит булишидан қатъи назар Ватанга содик посон бўлиш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Абдулла Рахабов ўз-ўзимизга шароит яратишга ҳаракат қилмогимиз лозим, деб бекорга айтмаганди. У ўз қўл остидагилар билан биргалиқда ҳашар йўли билан хизмат жойи куриб, ҳозир шу бинога кўчиб ўтишган, излаган имкон топади деганлари шу бўлса керакда.

## ORKESTRNING JO'R OVOZI

Хеч қайси бир қўшинларни ҳарбий оркестр сиз тасаввур қилиб бўлмаса керак. Чunksi, ҳарбийларнинг ҳар бир байрам-тантанаси, эрталабки йўқламадаги тантанали маршлари, ҳатто жанговар хизматга жўнаб кетишилар ҳам оркестр ижро этадиган, кишига қанақадир кўтарикилик, тетикилк, магрурлик баҳшида этадиган мусиқа садолари остида кечади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ички қўшинлар бошқармаси намунали оркестри 1993 йил 1 январда Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматов бўйрги билан ташкил қилинган. Унинг ташаббусори эса ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, полковник Григорий Терзян хисобланади. Григорий Ервандович айни пайтада ушбу жамоанинг бадийи раҳбари ва бosh ҳарбий дирижёри, Ички қўшинлар бошқармаси оркестр хизматининг бошлиги ҳамдир.

Юксак ҳаёттий таҳриба ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган Г. Терзян жуда оз вақт ичиди истеъододли созандаларни тўплаб, яхлит жамоага бирлаштира олди. Мазкур ишларни амалга оширишда унга капитан О. Назаров яқиндан ёрдам берди. У катта қасиб билим ва маҳоратга эга бўлиб, шахсий тарқибни тарбиялаш, кадрларни танлаш масалаларида улкан ҳисса

кўшиди. Эндилиқда, оркестрнинг жур овози нафақат Ички ишлар вазирилиги миқёсида балки бутун республика бўйлаб кенг тарқалган.

Шуҳрат пиллапояларига кўтарилишида оркестрнинг устоз мураббийлари М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси профессори В. Пулатов, Тошкент давлат маданият институтти профессори П. Холиковларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоизи.

Шу кунгача оркестр жамоаси нафақат ҳарбий бўлинмаларда балки кўплаб концерт залларида ўз дастурларини намойиш этдилар. Намунали оркестр республика миқёсида ўтказиладиган байрамларнинг доимий иштирокчисига айланган. Куплаб мусиқий танловларда иштирик этиб, совринли ўринларга сазовор бўлган намунали оркестр радио ва телевидение орқали ҳам тез-тез чиқишлар қилиди. Унинг чиқишилари мавзулар йўналишинг ранг-баранглиги, ҳалқ билан чамбарчас боғлиқ эканлигига билан ажralиб туради.

От ўринини той босар деганларидек, оркестрда ҳозирда Г. Терзяннинг кўплаб шогирдлари фаoliyati кўрсатмоқда. Катта лейтенант Рафшон Нигматов ойдин йўлли, юксак билимли, ўш истеъододлардан бири хисобланади.

Низом талаблariга мос равишда жихозланган. Посонлар учун телевизор, радио, магнитофон каби аппаратуралар келтирилган. Миллий мусиқа асбоблari ҳам уларнинг ихтиёрида. Шинамигина кутубхонада адабий-бадиий китоблардан ташқари кундаклик газета ва журнallar ҳам ўрин олган.

Оддий аскар Илҳом Шеров ва кичик сержант Эгамберди Эсоновлар бўлинмада энг билимдан алоқачилар сифатида ҳурмат қозо-

нишган. Улар мавжуд замонавий алоқа воситаларидан фойдаланишнингизни эмас, балки уларни созлаш ўйл-йўриқларини ҳам пухта эгаллашган.

Бундай ўтқир зеҳни аскарларимиз барча ҳарбий бўлинмаларда кўплаб топилади. Улар бор экан халқимиз тинчлиги, осойишталигига њеч ким раҳна сололмайди. Зоро Ватанини қўриқлаш масъулияти ана шундай мард йигитлар зиммасидадир.



## HAR BAHOR, HAR KUZDA...

Ҳар баҳор, ҳар кузда кўча тўлдириб,  
Кимнидир куйдириб, кимни кулдириб,  
Аҳдида мустаҳкам, мардана туриб,  
Йўл олар йигитлар жанговар саға,  
Кўйилар йигитлар жанговар саға!  
Оқ бўлсин йўлингиз, асл йигитлар!  
Софомон қайтингиз, аҳил йигитлар!

Она юрт фармони, тилаги билан,  
Юракнинг түғёни, истаги билан,  
Отилиб олдинга кўкраги билан,  
Йўл олар йигитлар жанговар саға!  
Кўйилар йигитлар жанговар саға!  
Оқ бўлсин йўлингиз, асл йигитлар!  
Софомон қайтингиз, аҳил йигитлар!

Йигитлик ғурурин байроқдек сақлаб,  
Оталар ишончин йўлини оқлаб,  
Хур Ватан тупрогин севиб, ардоқлаб,  
Қайтишар шон-зафар қучиб йигитлар!  
Она юрт маконга учиб йигитлар!  
Офарин сизларга ботир йигитлар!  
Оловқалб, баҳодир, нодир йигитлар!

Ҳар баҳор, ҳар кузда елиб-югурib,  
Кўксини шон, нишон билан  
тўлдириб,  
Жанговар сафларда мардана туриб,  
Қайтишар ҳарбийдан голиб  
йигитлар!  
Юртига тинчлик, баҳт олиб  
йигитлар!  
Бор бўлсин нақирион насл, йигитлар!  
Тинчликка сафарбар, кафил  
йигитлар!  
Искандар РАХМОН.

# QUVONCH YOSHLARI

Хурматли таҳририят ходимлари, ушбу дил сўзларим газетангиз орқали волида мухтарамамга етказилишини сўрайман.

Инсон ҳаёти жуда чексиз, сарҳадсиз. Унинг поёнига етмоқликни ўйлашнинг ўзи яна бир хаёлот оламини кашф этиб бораверади. Ҳар бир одам ширин орзуларини, аввало, мана шу ички ду-

аскар бўлиб хизмат қиласан. Она- Ватанга сидқидан хизмат қилиш ҳар бир йигит кишининг шарафли бурчидир». Кулогим остида майин алла мисол жаҳарнглаган шу гапларнинг ҳали-ҳануз ёдимда. Ҳудди кечагина айтганингиздай.

Бир-биридан шошқин кунлар тутверди. Мактабни тутабиб, армияга кетаётганимда кўзингизга ёш олдингиз:

— Ахир ўзингиз ўргатгансиз-ку ҳар бир йигит ки-

шининг... — деб юпатмоқчи бўлсан, гапимни булиб: «Қувонч кўз ёшлари», дингиз жилмайишга ҳаркат қилиб.

Биласизми, онажон! Сизнинг ўша кувонч ёшларнинг доим мен билан бирга юргандек. Ҳар бир жанговар топширикни баҳаришда сизнинг ўғитларнингиз, йиги аралаш жилмайишингиз кўрадиган кунлар якин. Шу кунларга тезроқ етказиши Оллоҳдан сўраб, сизга сиҳат-саломатлик, сабр-тоқат тилаб қолувчи аскар ўғлингиз.

## Askar maktubi

Мана, кўз очиб юмгунча хизматим ҳам тугаб қолаёди. Демак, сизнинг кувонч кўз ёшларнингизни, йиги аралаш жилмайишингиз кўрадиган кунлар якин. Шу кунларга тезроқ етказиши Оллоҳдан сўраб, сизга сиҳат-саломатлик, сабр-тоқат тилаб қолувчи аскар ўғлингиз.

Рустам ЮСУПОВ.

## ARMON BO'LIB QOLMASIN

«Постда»нинг шу йил 11 сентябрь сонида Адолат исмли синглимизнинг «Sevaman, lekin kechira olmayapman» сарлавҳали дил изҳори босилиб, у севган йигити Ботирни кечириш ёки кечирмаслик ҳақида маслаҳат сўраган экан.

Мен Адолатга маслаҳат беришдан олдин, унинг тенгдоши бўлмиш Нигоранинг юрак дардини

хикоя қилишни лозим кўрдим. Нигора ўз севган йигитнинг хатосини кечира олмаган, натижада...

«Мен келинлик либосида эдим. Атрофингда оқиқушдай чарх урадим. Сен кулардинг. Осмон сенинг сархушу сармаст қаҳ-қаҳангга тўлиб кетганди. Мен томон ҳинтилдинг. Кўзларнингдан муҳаббат ёғиларди. «Бахтим, баҳорим», шивирларди лабинг.

Сўнг ўзимни барги ҳаён болгарда кўрдим. Сарғайған япроқлардан бир қуҷоқ тердим-да, келтириб оёқларни остига тўқдим...

Уйгониб кетдим. Тонг оқариб қолганди. Куни билан ҳаёлим сенда бўлди.

Эртаси куни... сенинг тўйинг ҳақидаги шум ҳабарни эшилдид. Ҳайкалга айландид. Кўнглим йиглади. Хато қўлганимни кеч тушундим...

## YURAGINGIZ AMRINI BAJARING

синча, севги бор нарса. У юрак парчасининг дардли, эҳтиросли кучидир.

Адолат, сиз Ботирни севибсиз, у сизнинг илк бор севингиз. Мен истайманки, биринчи севги-муҳаббат ҳеч қаҷон ҳеч бир инсон қалбини тарқ этмасин. Ҳақиқатан ҳам Ботир балки ёшлиқ қолгандир. Нимадир сабаб бўлгандир. Лекин соғ-саломат она қишлоғига қайтиб келиби. Сизга совчи кўйиби. Демак, унинг севгиси ҳам сиз-

га нисбатан пок экан. Сиз эса орият қиляпсиз. Қишлоғингиздаги ҳар хил гапларга кулоқ тутиб, сиқилиб, ўз севингизни рад этмоқчимисиз? Наҳотки, сиз ўз севингиз олдида юрагингиз амрини бажара олмаяпсиз. «Хозир ҳам жонимдан ортиқ кўраман» деган жумлангиз юрагингиз амри билан баралла чиқяти-ку?..

Балки Ботирбек ботир йигит бўлиб, куёвлик тўнини кийиб, баҳти оила қуришга аҳд қилиб, сизни баҳти қилиш ниятидадир. Бирорга турмушга чиқа-нингиз билан биринчи муҳаббатингиз сизни беором килиди.

**Aks sado**

Ботиржонни кечириш-кечирмасликни қалбингиздан сўрашингизни маслаҳат беришни лозим кўрдим.

**Анвар ФУЛОМОВ,**  
милиция майори.  
Самарқанд шахри.

Мана, синглим Адолатхон, Сиз нотаниш тенгдошингизнинг ҳасратидан боҳбар бўлдингиз.

Ботиржонни кечириш-кечирмасликни қалбингиздан сўрашингизни маслаҳат беришни лозим кўрдим...


**Бу дунёга келиб  
мен якка,  
Сизни севдим,  
сизни факат.**

**Севги чўғи  
қолган юракка**

**Сигмас экан,  
ўзга муҳаббат.**

**Ибодат СОАТОВА.**

## KROSSVORD



**Диагонал бўйича:** 1. Ҳаводаги нишонларни оти учун мўлжалланган артиллери қуороли. 2. Ҳарбий унвон. 3. Ҳаво шарига баглаб учириладиган ва атмосферанинг юқори қатламларидағи ҳодисалар ҳақида автоматик радиошида сигнал ва ахборот бериб турувчи асбоб. 4. Нефть маҳсулоти. 5. Техника қурилмасининг сербар ҳалқа шаклидаги қисми. 6. Оврӯпа шимолидаги давлат. 7. Ўзбек ҳалқ қаҳрамонлик достонларидан бири. 8. Милтиқ ўқининг қисми. 9. Жануб ҳўл меваси. 10. Америка адаби, фан тарғиботчиси, илмий-фантастик асарлар муаллифи. 11. Галласи ўриб олинган майдон. 12. Материянинг энг муҳим физик хоссаларидан бири. 13. Сахалин оролининг жанубий қирғоғидаги Охота денгизининг қўлтиғи. 14. Ватанимиз жанубидаги туман. 15. Моторли учиш қурилмаси. 16. Атоқли ўзбек давлат арбоби. 17. Таниқли ўзбек саркардаси, фашизмга қарши кураш қатнашчisi, генерал-лейтенант. 18. Хулқ-атвор жиҳатлари мажмуси. 19. Ўқотар қурол қисми. 20. Электр двигателининг айланадиган бўлаги. 21. Ашёларга босим кучи билан ишлов берадиган ускуна, курилма. 22. Фашизмга қарши урушда жасорат кўрсатган ўзбек оддий аскари, қаҳрамон. 23. Темир йўл машинаси. 24. Иштирокчилардан энг яхшиларини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган мусобақа. 25. Раҳбарлик таркибига мансуб ҳарбий хизматчи. 26. XIX асрнинг 80-йилларида варшавалик шифокор. 27. Заменгоф томонидан кашф этилган ҳалқаро сунъий тил. 28. Эроннинг жанубий шарқидаги порт шаҳар. 29. Қадрдонлик, дўстлик туйгуси, муруват. 30. «Олтин занглашас» романининг муаллифи. 30. Дурадгорлик асбоби.

## Nim kulgu

### PIANINO

Нонуштадан қайтган аскарларни старшина қайтадан сафлади-да, баланд овозда сўради:

— Ораларингда мусиқа шинавандалари борми?

— ...

Аскарлар миқ этмай қотиб тураверишгач, старшина қайтадан уларга мурожаат қилди:

— Наҳотки ҳеч ким мусиқани севмаса?

Старшина бу гал ҳам саволга жавоб ололмагач, асабийлашгандек қатъият билан буюрди:

— Ораларингда мусиқани ёқтирадиганлар бўлса, икки қадам олдинга чиқсан?

Сафдаги аскарларнинг ҳаммаси бирданига баравар олга босишиди:

— Бу бошқа гап, — деди старшина мамнун қиёфада, — ҳозир ҳаммамиз қисм клубига борамиз. Кеча оқшом у ерга иккита янги пианино келтиришипти. Шуларни бешинчи қаватга олиб чиқиш керак...

**Т. МУРОДЖОН.**

## КРИПТОГРАММА

### Очқич сўзлар.

1. Зирхли гусенициали ҳарбий техника — 10, 4, 9, 17.2. Олий ҳарбий унвон — 16, 12, 9, 12, 5, 4, 7.
3. Тоғ-кон ишлари, муҳандислик қўшинларида кўлланиладиган кучли портловчи модда — 11, 3, 9, 4, 2, 3, 10.
4. Амир Темур қўшинида жанговар чақириқ — 13, 14, 5, 1, 9.
5. Мақолдан «Яхши 5, 4, 6, 8, 45. — чин падар».
6. Дараҳтзор майдон — 15, 5, 2, 1, 9.

Очқич жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларни мос ҳарфлар билан алмаштириб криптограммани очинг. Ундан Абдулбаракот Қодирий қаламига мансуб икки мисра ҳикматни билиб оласиз.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ

«Bizning askarlar» саҳифаларини

Озод РАЖАБОВ ва

Мурод ТИЛЛАЕВ тайёрладилар

## ASKAR HANDALARI

— Оддий аскар Сотвoldиев, гимнастёр-кангиз қани?

— Тұғмаси үзилған эди, ойимларга юбордим.

\*\*\*

Сержант оддий аскардан сўради:

— Оддий аскар Султонов, нима учун оқ ёқангиз күрингиз күрингиз?

— Кир бўлмасин деб, уни чамадонга яшириб қўйдим.

\*\*\*

— Оддий аскар Йўлбарсов, автоматингизни йигиштирганда яна қисмлари етишмай қолдими?

\*\*\*

— Йўқ, ўртоқ сержант, бу гал иккита қисм ортиб қолди!

\*\*\*

— Отамурод, ўқ учачётгандан ўз ўқи атрофидан айланишини биласанми?

— Қизиқ, катта тезликда кетаётгандан ўқнигиз айланишини қаердан кўра қолдинг?

\*\*\*

— Уни қара, оддий аскар Дехқонбоев бўлнимага келган куни танкага минди-ю, хайдаб кетаверди!

— Бунинг ҳеч ажабланарни жойи йўқ, у иллари трактор ҳайдаганди.

## QO'SHIQ

(Etyud)

— Ҳа, худди намойишдагидек, отасига раҳмат, уларнинг. Қани, энди бир чопиб улар билан бир сафда одим отсан.

— Биз сен билан хўл сафда одим отдик.

Аскарлар сафи муюлишдан ўтиб, кўздан гойиб бўлди, қўшиқ овози тинганди, қўшни чол сўради:

— Ҳамроқул, бу чиройли гулдастани кимга тайёрладинг?

— Эҳ, эсим қурсин! Ахир бу гулларни аскарларга бермоқчи эдим...

Атрофда йигилган йўловчилар юзларида табассум билан тарқала бошлаши.

— Ҳой, ўғилларим! — мўйсафид рўпарадаги икки ўш йигитни тўхтатди. Ўрнидан кўтарилиб, уларга гул дастасини узатаркан самимий оҳангда пичирлади:

— Аскарларга бермоқчи эдим. Беролмадим, Олинглар, сизлар ҳам яқинда мана шундай сафга кўшиласизлар!

Мурод Тиллаев.



ҚҮЙ (21 март – 20 апрель)

Ҳафтанинг бошида баракали меҳнат қиласиз. Чоршанба ва пайшанба кунлари ишга ижодий ёндошувиңгиз муваффақиятли ҳал этишингида олиб келади. Жума кунгача моддий ютуқни кўлга киритасиз. Фақат якшанба кунигина ҳордик чиқаришингиз мумкин.

СИГИР (21 апрель – 21 мај)

Душанба куни ҳаменгизга пул тушади. Сешанба куни келишмовчилик бўлиши кутилоқда. Саломатлингиз билан боғлиқ муаммолар пайшанба куни безовта қиласи. Бироқ дам олиш кунларидаги ёқимтой кишилар билан мулоқот бир олам кувонч баҳш этади.

ЭГИЗАКЛАР (22 мај – 21 июнь)

Ушбу ҳафтанинг бошига муҳим ишларни

## Мунажжимлар башорат қиласи

12 – 18 ОКТЯБР УЧУН

режалаштирасликни маслаҳат берамиз. Лекин чоршанба куни энг қийин туолган тадбирларга бемалол киришаверинг. Омад сиз томонда. Дам олиш кунлари ажойиб саёҳат кутилоқда.

ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь – 23 июль)

Сешанба ва чоршанба – савдо битимлари тузиш ҳамда ишбилармонлик музокаралари олиб бориш учун қулай кунлардир. Жума куни иш жойингизда муваффақият ва молиявий ютуқ кутилоқда. Дам олиш кунларини хонадонингизда ўтказганинг маъқул.

АРСЛОН (24 июль – 23 авгууст)

Мазкур ҳафтанинг бошида соглигингиз ёмонлашуви эҳтимолдан холи эмас. Чоршанба

ба куни муҳим масала юзасидан сим қоқишиларни кутинг. Ҳафтанинг иккинчи ярми самарали ўтади. Сиз энг қийин вазифани ҳам бемалол ўддалайсиз.

БОШОҚ (24 авгууст – 23 сентябрь)

Душанба ва сешанба кунлари қариндошларингиз билан кўнгилсиз муносабатларни ойдинлаштириб оласиз. Пайшанба – янгиликлар кутилаётган кундир. Жума куни саломатлингиз безовта қилиши эҳтимолдан холи эмас.

ТАРОЗИ (24 сентябрь – 23 октябрь)

Душанба куни ажойиб учрашув кутилоқда. Чоршанба – ўшбу ҳафтадаги энг муваффақиятли кундир. Шу куни ҳаётингизда муҳим ўзгариш рўй беради, имкониятни кўлдан бер-

манг.

ЧАЁН (24 октябрь – 22 ноябрь)

Сешанба куни кутилмаган воқеанинг гувоҳи буласиз. Ишбилармонлик борасида чоршанба ва пайшанба энг омадли кунлардир. Шанба куни алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Якшанба кунини кувноқ даврада ўтказиши маслаҳат берамиз.

ЕЙ (23 ноябрь – 21 декабрь)

Ниҳоят эркин нафас оласиз. Ушбу ҳафтада барча ишларингиз юришади. Фақат чоршанба куни бироз кайфиятингизнинг тушиб кетиши руҳингизга таъсир кўрсатади.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь – 20 январь)

Мазкур ҳафтанинг дастлабки кунлари севги-муҳаббат билан боғлаҳат берамиз.

лиқ муаммолар безовта қиласи. Сешанба куни хушабар эшиласиз. Яқин кишингиз билан жума куни кичик кўнгилсизликлар бўлиб ўтади. Дам олиш кунлари янги танишлар ортиралисиз.

ҚОВГА (21 январь – 19 февраль)

Душанба куни ажойиб инсон билан учрашув кутилоқда. Чоршанба куни мўмайгина даромад ишлаб оласиз. Пайшанба ва шанба кунлари кўнгилсиз дамларни бошингиздан кечиралисиз.

БАЛИҚ (20 февраль – 20 марта)

Ҳафтанинг бошида ижод билан машгул буласиз. Пайшанба куни муҳим ишбилармонлик учрашуви кутилоқда. Жума ҳар қандай юмушни баҳариш учун қулай кундир. Шанба куни ҳордик чиқариши маслаҳат берамиз.

## Спорт

### ТЕННИС ТУРНИРИ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти томонидан ўтказилган биринчи республика теннис турнири ниҳоясига етди. Беллашувларда минтақалардан ташриф буорган 17 жамоа иштирок этди.

Беш кун давом этган мусобақаларда иштирокчилар қизғин кураш олиб бориб, ўз маҳоратларини нафийиши этиди.

Натижада Тошкент олий ҳарбий чегара билим юрти жамоаси зафар қутиб, биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринларни Наманган вилояти «Динамо» кенгаси ва республика МХХ вакиллари кўлга киритилар. Тўртнинчи ўрин эса республика ИИВ тенисчиларига наисбет этди.

Голиблар ва совриндорларни тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси ИИВ ШТБИХ бошлигининг муовини, милиция майори А. Юнусхўжаев қатнашиди. Түрнининг энг кекса ва ёш иштирокчиларига ҳам мукофотлар топширилди.

Ўз мухбиришимиз.

### ЭЪЛОН

1993 йилда Тошкент шаҳар 59-ўрта мактаб томонидан Суннатилла Зиётович Даудаев номига берилган ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома ўқолганилиги сабабли бекор қилинади.

### ҚИДИРИПМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖҚББ томонидан жиноят содир этган **Марат Ахметович Бобомуротов** қидирилмоқда.

У 1953 йилда тугилган, «Шанс» ва «Винтор» масъулияти чекланган жамиятнинг директори лавозимида ишлаган, Тошкент шаҳри, Мирбод тумани, Лоҳутий кучаси, 3/49-хонадонда яшаган.


**Бепилари:** бўйи 180—182 см., тўладан келган, сочи қора, юзи думалоқ, лаблари қалин, бурни кенг, қошлари сийрак.

Тезда ишончга киради, тижорат билан шугуланаётган, хусусан, ҳамдустлик давлатларида истиқомат қилувчи фуқаролардан таишлари бор.

**М. Бобомуротовни кўрган-билинлар** Ўзбекистон Республикаси ИИВ жиноят-қидириув Бош бошқармаси ёки якшанба ўртадаги милиция бўлинмасига хабар беришларини сўраймиз.



### ЧАЙИНКРОССВОРД



1. Тошкентнинг қадимий дарвозаларидан бири. 2. Ҳинд халқининг оташин фарзанди, давлат арбоби. 3. Гарбий ярим шар жанубидаги мамлакат. 4. Каштадўзликдаги чок тикиш усули. 5. Ҳаво босимини ўлчайдиган металл барометр. 6. Вьетнам давлати пул бирлиги. 7. Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони туркуми. 8. Иккى ёки тўрт гилдиракли ёнгил арава. 9. Ақлий спорт ўйинининг қадимий номи. 10. Пичан қирқиши асбоби. 11. Бадий ўхшатма ёки бошқа тилдан ўзлаштирилган сўз. 12. Жўғрофия фани бўйича ўқув қуроли. 13. Қамишсимон кўл ўсимлиги. 14. Фаргона водийсидаги шаҳар. 15. Илдиз-мевали ўсимликлар ҳосили. 16. Бино сиртига ишлатиладиган ашё. 17. Маҳтумқули газали билан айтиладиган кўшиклилардан бири. 18. Ёқилги тури. 19. Мамлакатимизда дастлабки футбол жамоалари тузилган маскан. 20. Қон томмири. 21. Ҳиндистон шимолидаги шаҳар. 22. Ялтироқ оқиш-кулранг металл. 23. Африқадаги номдош пойтахт ва мамлакат. 24. Ақлий спорт ўйини тури. 25.

Зотли чопқир от. 26. Шамсия йили ҳисобидаги тўққизинчи ойнинг арабча номи. 27. Жанубий Америкадаги худуди кичик давлат. 28. Ҳамдустлик давлатлари таркибидаги республика пойтахти.

### КРИПТОГРАММА

#### Очкич сўзлар:

1. Бурчак ёки айланма ўйининг ўлчови бирлиги — 1, 2, 5, 2, 8, 2.
2. Серсоя дарахт — 3, 6, 7.
3. Ўрта асрларда ҳозирги Туркия мамлакати сultonлariiga берилган ном — 11, 2, 9, 10, 2, 5.
4. Мусиқа санъатида эркакларнинг энг паст, ўйгон овози — 4, 2, 10.

Энди шакл атрофидағи рақамларни жавоблардаги тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб, криптоматтани топинг. Ундан соат мили йўналишида ўқиш билан шарқ халқ ҳикматларидан бирини билиб оласиз.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

### ГАЗЕТАМИЗНИНГ АВВАЛГИ СОНИДА ЁРИТИЛГАН КРИПТОГРАММАНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Очкич сўзлар: I. Дарё. II. Устод. III. Рағбат. IV. Жон. V. Кудук. VI. Ер. VII. Инсон. VIII. Ақл. IX. Арпа. X. Жаҳон.

#### Криптоматтадаги ҳикмат:

Устод падардин илғор,  
Ундан ортиқ ҳақи бор.  
Падар ҳаёт беради,  
Устод нахот беради.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ  
Бирлашган таҳририяти

МАНЗИЛИМИЗ:  
700029,  
Тошкент,  
Юнус Ражабий кўчаси, 1.

Газета ҳафтанинг жума кунлари чиқади.

Бош муҳаррир  
Зокир АТАЕВ.

Нашр учун масъулу  
Эркин САТТОРОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари в.б.)

Навбатчи:  
С. ШАМСИДДИНОВ.  
Мусахихлар:  
Н. Султонова  
Г. Холиков  
Саҳифаловчи  
М. Насретдинова

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Бош муҳаррир — 139-70-40,  
(088) 25-25  
Бош муҳаррир ўринбосари —  
139-77-23, (088) 24-16  
мухбирлар бўлими  
139-75-69.  
Факс: 54-37-91.  
Газета тарқатиш масалалари бўйича  
мурожаат учун:  
тел.: 139-70-40,  
факс: 54-37-91,  
пейжер: (088) 36-97.  
Бизнис ҳисоб рақамизим:  
Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Тошкент шаҳар  
Бош бошқармаси  
ҳисоб-китоб — касса  
марказида:  
2150600020044798001,  
МФО 00014.

• Кўчириб босиша «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.

• Маколада келтирилган рақамлар, фатлар ва бошқа маълумотлар, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

• Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят Фикрига мос тушмаслиги мумкин.

• Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета IBM компютерида терилиди ва саҳифаланди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00007.  
Буюрта Г — 0419.  
Ҳажми — 4 босма табоқ.  
Босилиш — оғсет усулида.

Босишига  
топшириш  
вакти — 19.00.  
Босишига  
топшириди — 18.00.

Обуна рақами — 180.

94778  
нусхада чоп этилди

«ШАРҚ» нашриёт-матбаба концерни босмахонаси.  
Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси,  
41-йи.

1, 2, 3, 4, 5, 6.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ЖТСБ ходими, милиция сержанти

Шуҳрат ЭРГАШЕВнинг бевафот этганлиги муносабати билан мархумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдирадилар.

Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби нафақадаги милиция полковниги

Мустафо МУҲАМЕДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан мархумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукур таъзия изҳор қиладилар.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Жиззах шаҳар 2-ҲЕСБ бошлиғи, ички хизмат капитани

Бозор НОРМАТОВнинг вафот этганлиги муносабати билан мархумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдирадилар.